Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 5 (65978) 1997 йил, 15 январь, чоршанба | Сотувда эркин нархда

«ВАТАНПАРВАРЛИК. ЭЪТИҚОДИ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚОНИМИЗГА, ҚАЛБИМИЗГА СИНГИБ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА МУҚАДДАС БОЙЛИК, МУҚАДДАС МЕРОС БЎЛИБ ЎТИШИ КЕРАК»

Ислом КАРИМОВ.

Ҳафтанинг муҳим воқеалари

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 январь куни қардош Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлди. Бу ерда дастлаб, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари Президентлари ўртасида тор доирадаги учрашув бўлиб ўтди. Сўнгра мазкур давлатлар расмий делегациялари аъзолари иштирокида ўзаро музокаралар бошланди. Музокараларда уч қардош мамлакат ўртасида Абадий дўстлик ҳақидаги шартнома лойиҳаси ва бошқа расмий ҳужжатлар муҳокама қилинди.

Учрашув ниҳоясида қардош мамлакатлар Президентлари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари ўртасида Абадий дўстлик ҳақидаги шартномага имзо чекдилар.

ЯНГИ МАКТАБ ОЧИЛДИ

Қашқадарё вилоятида республика Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар ва маънавият бўйича сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Маълумки, ушбу йўналишдаги вазифаларни амалга ошириш учун бюджетдан 150 миллион сўм маблағ ажратилган. Мажлисда республика бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари Қарши Давлат дорилфунуни профессор-ўқитувчилари, талабалари билан учрашдилар. Қарши тумани, «Бешкент» жамоа хўжалигида қурилган янги мактабнинг очилиш маросимида ҳозир бўлдилар. Замонавий талаблар асосида қурилган мактаб 624 ўғил-қизни ўз қучоғига олди.

БИЗНЕС МАДАНИЯТИ ЮКСАЛАДИ

Жанубий Корея бизнес маданияти институти делегацияси Ўзбекистонга келди. Делегация аъзолари орасида тадбиркорлар, маданият ходимлари, ёзувчилар бор. Меҳмонлар мустақил Ўзбекистонда иш бошлаган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини бориб кўрадилар, маданият марказлари фаолияти ва тарихий обидалар билан танишадилар.

— 1993 йили лицей мавқеини олган билим юртимизда ўқувчилар ҳарбий йўналишда тарбияланяпти, — деди Тошкент шаҳар ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтириш бўйича республика лицейи раҳбар ўринбосари истеъфодаги И. Т. Коних.— Ўқувчиларнинг билимлари билан бирга жисмонан соғлиқларини ҳам жиддий кўрикдан ўтказиб қабул қиламиз. Интизом — бизда биринчи талабдир.

Лицей «назорат пунктида» навбатчилик қилаётган гуруҳ тарбияланувчиларни суҳбатга тортдик.

Ўтбосаров Камолиддин — «бўлинма» командир ўринбосари.

— Тошкент вилоятининг Черняевка қишлоғиданман. Дадам ҳарбий бўлганликлари учунми, ёшликдан офицерликка ўқишни орзу қилардим. 8-синфни тугатиб шу ерга ўқишга кирдим. Кучли билим, жисмоний етуклик асосий роль ўйнайди. «Генерал бўлишни орзу қилмаган солдат солдат эмас», — деган иборани шиор қилиб олганмиз.

Муҳиддинов Даврон — «кичик сержант». Биринчи разрядли боксчи.

— Тошкент шаҳриданман. Онам ўқитувчи, отам заводда мухандислар. Оиламизда ҳарбийлар йўқ. Лекин мен келажакда ҳарбий академияга кириб ўқишни ният қилдим. Уйдан узоқроқда бўлсанг ота-онангни соғинар экансан, уларнинг қадрига етишни ҳам ўрганар экансан.

ИНТИЗОМ — БИРИНЧИ ТАЛАБ

Султонов Зоиржон — «кичик сержант».

— Тошкент вилоятининг Тўйтепа қишлоғиданман. Бу ерда кўп дўстлар орттирдим. Мустақилликка ўргандим.

Бу кичик суҳбатдан лицейда умумтаълим фанлари билан бирга «Ҳарбий санъат тарихи», «Ҳарбий тайёргарлик» каби фанлар ўқитилаётганини билиб олдик. Жанговар таълимда асосан шарқ ҳарбий санъати усулларидан фойдаланилмоқда. Ўқувчилар «Темур тузуклари», Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари билан танишиб бормоқдалар. Взвод, роталар ўртасида спорт мусобақалари уюштирилиб турилади. Ғолиблар республика миқёсида белашувларга йўлланмалар оладилар, лицей шарафини ҳимоя қиладилар.

Ўзбекистон Қуролли кучларининг 5 йиллиги байрами лицейда тантанали нишонланди. Байрамга Мудофаа вазирлигидан меҳмонлар, қуролли кучлар фахрийлари, ота-оналар келишди. Ёш аскарлар ўқув-машғулот майдонида ҳарбий юришлари, жанговар тайёргарликларини меҳмонларга намойиш қилишди. Алоҳида намуна кўрсатган ўқувчи ва прапоршиклар фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Маҳмуда ҲАЙДАРОВА.

УЛУҒ ЙЎЛДА КАРВОНМИЗ,



ТИНЧЛИК УЧУН ҚАЛҚОНМИЗ!

— **Сиз узоқ йиллар ҳарбий шифокор бўлиб хизмат қилгансиз. Ҳарбий киши бўлиш осонми? — деб сўрадик Қуролли кучлар фахрийси, соғлиқни сақлаш аълочиси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги Искандар Раҳмондан.**

— Бунинг учун аввало ички бир туғён, чинакам хоҳиш, истак керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадиси шарифларида: «Ҳуббул Ватан минал иймон», яъни «Ватанни севмоқ иймондандур», дейилган. Бу —она Ватанга, эл-юртга сидқидилдан ҳалол, беминнат хизмат қилиш, зарурат туғилганда қўлига қурол олиб, Ватанни ёвлардан қуриқлаш, унинг сарҳадларида кунутун сергак туриш деганидир.

Ҳеч ким ҳеч қачон онадан тўғма ватанпарвар, фидойи, жасур, ботир аскар ёки саркарда бўлиб туғилмайди. Бунинг замирида тинимсиз меҳнат, машаққат, машқ ётади. Зеро, буюк саркарда Амир Темур бобомиз: «АСКАРИ ҚУВВАТЛИ МАМЛАКАТ БОЙ БЎЛУР, БОЙ МАМЛАКАТНИНГ АСКАРИ ҚУВВАТЛИ БЎЛУР», деганлар. Қуролли кучларимиз мавжуд экан, Ватанимиз сарҳадлари даҳлсизлиги, тинчлиги ва осойишталиги, мудофаа қобилиятини кундан- кун мустаҳкамлашимиз, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз учун ҳар биримиз ўзимизни куну тун жанговар сафда ҳис қилишимиз, Ватан ҳимоячиси, сергак посбони ҳисобланишимиз ва бунга ўзимизни маънан ва жисмонан тайёрлашимиз лозим.

— **Ҳарбийларга тинч, хотиржам замонда қандай иш топилади?**

— Юқорида айтганимдек, ҳарбийларнинг асосий касби — Ватан посбони бўлиш, уни тан-жони бўлиш. Шунинг учун замонавий ҳарбий ходим ҳар томонлама етук, бақувват, жанговар, жасур, бидай фикр айтиш ўринли. Ҳарбий хизмат, жанговар вазият тақозоси билан ҳарбий шифокорларда сафарбарлик, тезкорлик, дадиллик, ташкилотчилик қобилиятлари устиворлик қилади. Улар истеъфога чиқишса ҳам ўзларини ҳамон жанговар сафда ҳис этиб, тиниб-тинчишмайди. Табиийки, бундай серҳаракат, серташаббус, етук мутахассислар доимо эл-юрт назарида бўлишади. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп.

— **Сиз бу соҳага болаликдан қизиққанмисиз?**

— Ҳа. Чунки менинг болалигим оғир уруш йилларига тўғри келган. Оиламиз аъзолари, яқин қариндошларимиздан бир неча киши Ватан ҳимоясига отланиб, ҳарбий шифокор сифатида жангтоҳларда фаол иштирок этишган. Бошлари устида дўлдай ўқ ёғиб, ёнатрофларида бомбалар портлаб турганига қарамай, ўлимнинг юзига тик боқиб, ҳаёт-мамот жангида бурчларига содиқ қолиб минг-минглаб яралар ва беморларнинг дардига, жароҳатларига малҳам бўлишгани, уларни қизғин ҳаёт, жанговар сафга қайтаришгани, қолаверса, уларнинг тинч меҳнат фронтида кўрсатган мардлик, жасоратлари ҳақидаги ҳикоялар, лавҳалар юрагимга бир умр муҳрланиб қолган. Мен бу ҳақда «Ўзбекистонлик шифокорлар уруш йилларида», «Оқ либосли ҳалоскорлар», «Оловли гулдаста» номли тарихий, ҳужжатли асарларимда баҳоли қудрат ҳикоя қилганман ва қушиқларимда куйлаганман.

— **«Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи» газетасининг ҳаётингизда тутган ўрни қандай?**

— Бениҳоя катта ва салмоқли десам, муболаға бўлмайди. Тақдир тақозоси билан оиламиз билан 1948-58 йилларда Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидаги Облиқ қишлоғида яшаганмиз, ўша ердаги мактабда ўқиганман, олам ва одам таниганман, вояга етганман, мен бундан жуда фахрланаман. Мактабнинг 7-, 8-, 9- синфларида бир йула ўқиб, бош пионер вожатий бўлиб ҳам ишлаганман. Ҳам ўқишни эплардим, ҳам ташкилотчилик ишларини. Қалби олов кашшофлар билан жуда қизиқ ва катта ишларни амалга оширардик. Ҳозир ўша вақтларда мен кашшофликка қабул қилган ўғил-қиз болалар, деярли тенгдошларим болачақали бўлиб, турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда. Ҳар сафар улар билан кўришганда ўша оловли ёшлик чоғларимизни завқ-шавқ билан эслаймиз. Ўша пайтларда менинг бирдан бир ишончли маслаҳатчим, ҳамкорим «Ленин учқуни» газетаси бўларди албатта. Унга қисқа-қисқа хабар, лавҳалар ёзиб, тегишли маслаҳат, йўл-йўриқлар олиб турардим.

(Давоми 2- 3-бетларда)

БИЗ АСКАРМИЗ, ПОСБОНМИЗ!

Биз аскармиз,
посбонмиз,
Улуғ йўлда карвонмиз!
Тинчлик учун
қалқонмиз,
Ҳеч бузилмас қўрғонмиз!

НАҚАРОТ:
Бир, икки, уч, бир
икки...
Айтинг, марра
кимники?
Албат, марра бизники!
Жасур ўғлон, қизники!

Она юрт Туркистонда,
Ерми, осмон, уммонда,
Машқ қилиб тўймаймиз,
Тинчлик куйин
куйлаймиз!

НАҚАРОТ:
Бир, икки, уч, бир,
икки...
Айтинг, марра
кимники?
Албат, марра бизники!
Жасур ўғлон, қизники!

Искандар РАҲМОН.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ҳозирги болалик билан ўз болалигимизни таққослай оласизми?

— Албатта. Юқорида айтганимдек, болалигим оғир уруш йиллари ва ундан сўнгги қурилиш, тикланиш даврларига тўғри келган. Бу давр ҳам ўзига хос қийинчиликлари бўлишига қарамай, умид, орзу-ҳавас, армон, афсус-надомат, тинимсиз меҳнат, машаққат билан ўтган. Нимасини айтасиз оғир йўқотишлар, қийинчиликлар даври эди. Урушдан қайтмаганларнинг уйида марҳум мотамсаролик, ярадор, бемор, ёки оғир тан жароҳати олиб, оёқ-қўлидан айрилиб, майиб-мажруҳ бўлиб келганларни ҳар қадамда кўриб, юрагим увишарди. Эл-юрт қатори қорнимиз тўйиб овқат емасдик, кийим-бошларимиз ҳам йиртиқ ямоқдан иборат эди. Ёзда оёқяланг, қишда қават-қават латта, чориқ боғлаб, калиш судраб юрардик. Ишонсангиз урушдан қайтган амакимнинг ўқ тегиб илма-тешик бўлиб кетган кўк шинелларини кийиб, ўнинчи синфни тугатганман. Шу шинелим билан Тошкент Давлат тиббиёт институтида ўқиганимда учинчи курсга қадар пахта терими мавсумларида иштирок этганман. Ўнинчи синфни тугатганимда оилада тўнғич фарзанд бўлганимдан кўнгли ўксимасин деб, не-не қийинчилик билан оқ каломенкадан китель, шим тикдириб беришган, ўшани асраб-авайлаб, то совуқ тушгунча кийиб юрардим. Институтнинг 4-курсини тугатгач, Оҳангарон тумани касалхонасида 1,5 ой ишлаб, топган пулимга арзонроқ костюм, шим олиб, ўқишимни тугатганман. Шу кийимим уйланганимда куёв сарпамга ҳам қўйилган.

Ўқувчилик пайтимизда эрта туриб, уйда мол-ҳолларга қарар, хўжалик ишларига ёрдам берардим. Эрта баҳордан кеч кузгача ёш укаларим билан отам олиб берган қирчанғи эшакда даладан ўт-хашак, сомон таширдик, қишга озиқа тайёрлардик, ундан ташқари укаларим, оқибатли ўртоқларим кўмагида нураб, путури кетган деворларимизни кўтариб, лўмбоз босардик, томларимизни сувардик, қишда бўлса қор курардик. Очиғини айтсам, болаларга ўхшаб, бемалол ўйнаб-кулиб юришга сира вақтим бўлмаган. Лекин ўртоқларим билан жуда аҳил, дўст эдик, битта майизни қирқ бўлиб ердик, бир-биримизнинг уйимизга бориб, оғир, енгил ишларини бирга бажарардик. Алдамчилик, қувлик, шумликни билмасдик, ичмасдик, чекмасдик, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилардик. Бундан ташқари баҳорда ва кузда жамоа хўжалигидаги ўт юлиш, чеканка қилиш, лавлаги тозалаш, пахта териш ва бошқа ишларига ҳам фаол ёрдамга чиқардик. Ҳа, айтмоқчи ҳар якшанба куни қишлоғимиздан 10-15 чақирим наридаги Ангрен шаҳри бозорига бориб, бир ҳафтага етарлик озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб, ўзимдан катта қопни инқиллаб-синқиллаб аранг кўтариб, дам яёв, дам поезд, дам машинада уйга шошилганим ҳам эсимда. Ота-онам берган пулнинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмай, барча сарф-харажатларга аниқ ва тўғри ҳисоб берардим. Дарс тайёрлаш, китоб ўқиш, ёзув-чизувларимни асосан кечаси, керосин лампа чироғи остида тонготар қилардим. У вақтларда қишлоғимиз клубига бир ойда бир-икки марта кўчма кино келса келар, келмаса келмасди. Радио камдан -кам оилаларда бўларди, телевизор умуман йўқ эди. Афсуски, ҳозирги , ёшларнинг кўпчилиги «тўқликка шўхлик» қилиб, яхши ўқиш, пухта билим олиш ўрнига қимматли фурсатларини беҳуда ишларга сарфлаб, эртаю кеч енгил-елпи тижорат ишларию, телевизордаги олди-қочди, бетайин томошалардан бери келиша олмаяпти. Газета-журнал, китобларни ўқишмаяпти, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат деган ўзбекона, шарқона одатларни унутишаяпти. Жисмоний тарбия билан шуғулланишмаяпти, муштдек бошларидан қўлларида мўмай пул чангаллаб, оғизларида папирос, писта, сақич, ножўя сўз, иборалар... Билмадим, бу аҳволда суянган тоғимиз, ишонган боғимиз бўлган келажак авлоднинг аҳволи нима кечаркин?! Буни ўз вақтида англаган ҳукуматимиз раҳбарияти маънавият ва маърифатга оид бир қатор шошилинч қарорлар чиқарди, шояд режалаштирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилсаю, бошимизга эртами-индин ёғиладиган фалокатнинг олди олинса.

— «Уруш-уруш» ўйини ўйнаётган болаларни кўриб, кексаю ёш ота-оналаримизнинг юраклари ўйнаб, жунбушга келади. Ниятлари яхши бўлсину, бу болаларга бардам, бақувват, соғлом бўлиб, вояга етишишлари учун қандай ўйинларни тавсия қилган бўлардингиз?

— «Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ», дейишганидек, ҳар қадамда назоратсиз кўрсатилаётган, усти ялтироқ, ичи қалтироқ, маънавиятимизга умуман ёт, бўлган мазмуни саёз турли видеофильм, кассеталарни кўрган болалар, айниқса балоғатга етмаган ёшлар, ўсмирлар ўртасида «Уруш-уруш» ўйнаш ўзи-

(Давоми 3-бетда)

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

(ПЎПАНАК САЛТАНАТИ. Пўпанак ўз тахтида ўтирибди. Ёнида Ваҳима ва Оҳоройлар, улар Янги йилни сўроқ қилишмоқда.)

ПЎПАНАК: — Демак гапимизга кирмайсан, шундайми?! Буюраман, буни тезда ислар билан кишанланглар! Бир зумда моғорлаб ҳеч ким танимай қолсин!

(Унинг ишораси билан ҳамма кулади.Ишора билан ҳамма тўхтайди.)

ЯНГИ ЙИЛ: — Овора бўласизлар, мени кишанлаш осон эмас!

ОҲОРОЙ: — Э, сендан олдингиларини ҳам қўлга ўргатганмиз!

ВАҲИМА: — Бирам ялинган, бирам ялинган!

(Улар энди Янги йилга ташланмоқчи бўлаётган пайтда Чилтинг ва Елимойлар киришади).

ЧИЛТИНГ: — Устоз, улар шу ерда! Бостириб келишаяпти!

ЕЛИМОЙ:

ПЎПАНАК: — Уҳ, ярамас, қўрқоқлар! Қани тезда анавуни кишанлашга ёрдам беринглар!

(Улар янги йилни кишанлашаётган пайтда, Ваққос, Паққос, Аёзбобо, Қорқизлар кириб келишади.)

ПЎПАНАК: — (Ёруғликдан юзини тўсиб.) Нега менинг салтанатимга рухсатсиз кириб келдиларинг!

ЕЛИМТОЙ: — Ҳаммаёқ ёруғ бўлиб кетди, ўзимни ёмон ҳис қилаяпман! Вой юрагим!

ВАҲИМА: — А-а-а-а! Вой-дод! Анаву болалар, анаву чол! Музлатиб қўяди!

ЧИЛТИНГ: — Вой мазам қочаяпти! Вой чилтинг, вой билтинг!

ОҲОРОЙ: — Ҳой-ҳой! Ғалати бўлиб кетаяпман!

ПЎПАНАК: — Ҳозир сизларни моғорлатиб ташлайман!

АЁЗБОБО: — Бекорга овора бўлма, эй Пўпанак-Сенинг дангасаю-ялқовлар, ваҳимаю-анқовлар, пўпанак босган моғор салтанатингни таг-томири билан қуритмагунимизча, йўлимизга ғов бўларкансизлар!

ПЎПАНАК: — Қани менинг енгилмас лочинларим, уларни моғорлатиб ташланглар!

(Қора кучлар ва Аёзбобо одамлари ўртасида кураш кетади. Қора кучлар енга бошлашади. Ҳаммаси рақсда ижро этилади.)

ЯНГИ ЙИЛ: — (Боғланган оғзини бўшатиб.) Тўхтанглар, уларни фақат ақл ва билимда енгиш керак! Келинглар, синашиб кўрамиз!

ПЎПАНАК: — (Атрофдагиларга қараб олиб.) Майли, розимиз! Шартни бизлар қўямиз. Биринчи шартимиз топишмоқ! Агарда тополмасаларинг, салтанатимизда умрбод тутқин бўласизлар!

ҚОРҚИЗ: — Агарда топсак, «Билимлар китоби»ни қайтарасизлар!

ЕЛИМТОЙ: — Биз у китобни олмаганмиз!

ЧИЛТИНГ: — Ҳа, олмаганмиз, ҳатто уни тахт ортига бекитиб қўйганимизни ҳам айтмаймиз! Ҳа-а!

ПЎПАНАК: — Жим бўл, ярамас!

ОҲОРОЙ: — Устоз, у бизнинг оҳоримизни тўкяпти!

ВАҲИМА: — Бу аҳволда энг кучли қуролимиз ҳам қўлдан чиқиб кетади!

ПЎПАНАК: — Майли, розимиз. Лекин аввал топишмоқларимизни топинглар!

ВАҚҚОС: — Бизларга мана бу болалар ҳам ёрдам беришади.

ПАҚҚОС: — Хўш, розимисизлар?

ПЎПАНАК: — (атрофдагиларга қараб.) Биз розимиз, Хўш, менинг ўнг қўл ёрдамчим, бошла!

ЧИЛТИНГ: — (чиқиб олиб виқор билан.)

ҚИМИРЛАСА ОЗАР У,
НЕЧА ЙИЛГИ МОҒОР У.
УНДАЙЛАРДАН КЎП КЕРАК:
НОМИ УНИНГ...............

(Қорқиз, Ваққос ва Паққослар болаларга имлашади.)

БОЛАЛАР: — Пў-па-нак!

ҚОРА КУЧЛАР: — Оҳ, юрагим, Вой ўпкам!

ПЎПАНАК: Қани энди сен айттин, менинг чап қўл ёрдамчим!

ЕЛИМТОЙ: — (Буям виқор билан.)

ЕРДАН ЧИҚАДИ ҚОЗИҚ
ИСИ ЖУДАЯМ САССИҚ!

(Ваққос ва Паққослар яна имлашади.)

БОЛАЛАР: — Юм-рон-қозиқ!!!

ҚОРА КУЧЛАР: — Вой юрагим, вой ўпкам!

ПЎПАНАК: — Вой-вой! Мана буни сираям тополмайсизлар!

ЎЗИ ЯШИЛ, БЎЙНИ КЎК,
МАНА УНИНГ ТУРИШИ,
ҒАМЗА БИЛАН ЮРИШИ!!! (кўрсатади.)

(Ваққос ва Паққос яна болаларга имлашади.)

БОЛАЛАР : — Қур-ва-қа!!!

ҚОРА КУЧЛАР: — Вой юрагим, вой ўпкам!

ПЎПАНАК: — (Сеҳрли китобни олиб.) ҳозир-ҳозир.

КЕЛСА ТЎСИБ ҚУЁШНИ,
ТИНМАЙ ТЎКАР У ЁШНИ.
БЎЛАР БАЪЗАН МУҒОМБИР,
АЙТИНГЛАРЧИ БУ......(ёмғир.)

Ана топишолмади! Қани, ашуламизни бошланглар!

ҚОРА КУЧЛАР: — ЧАКАЛАКЗОРДА ТУНЛАРИ,

ЯЙРАБ БИЗЛАР КУЙЛАЙМИЗ.
УСТОЗ БИЗГА ПЎПАНАК,
ТО ЎЛГУНЧА КУЙЛАЙМИЗ!

ЧИРИРИМ БОМ-БОМ!
ЧИРИРИМ БОМ-БОМ!

ТОЗАЛИК БИЗГА ДУШМАНДУР,
ҚЎЛГА ТУШГАН ПУШМОНДУР.
ҚОРОНҒУ ЖАР—ЎНГИРЛАР
БИЗГА ДОИМ ОШЁНДУР!

ЧИРИРИМ БОМ-БОМ!
ЧИРИРИМ БОМ-БОМ!

ПЎПАНАК: — Бизларга шон-шарафлар!

ҚОРА КУЧЛАР: — Яшасин, устоз Пўпанак!

ПЎПАНАК: — Моғорларим янада кўпайди. Навбат сизларга.

АЁЗБОБО: — Қани набиражонларим, уларга бир ашула қанақа бўлишини кўрсатиб қўйинглар!

(Болалар ҳаммаси «Ўзбекистон- ватаним» ашуласини ижро этишади.-

ПЎПАНАК: — Бўлди-бўлди, салтанатимни хонавайрон қилдиларинг!

ҚОРА КУЧЛАР: — Хароб бўлдик устоз!

ҚОР ҚИЗ: — Қани энди «Билимлар китоби»ни бу ёққа беринглар-чи?

(Ваққос билан Паққос китобни бориб олишади.)

ЯНГИ ЙИЛ — Бобожон, энди буларни бир умрга орамиздан супуриб ташлашимиз керак. Биз ақл ва билимда улардан устун келдик.

ҚОРҚИЗ — Бобожон, Янги йил тўғри айтди. Болаларимиз зийраклик ва билимда улардан устун келди. Чақмоқ қопингиз шу ерда. Энди ҳаммамиз иноқлик билан...

АЁЗБОБО: — Баракаллю қизим. Ҳамма гап иноқликда, илмда, топқирликда. Дунёдаги энг қудратли куч дўстликдадур. Сизлар буни уддаладинглар. Ана энди уларни орамиздан умрбод ҳайдаймиз!

(Аёз бобо қўлига ҳассасини олиб, сеҳрли сўзларни айтади.)

ЁВУЗЛИК БУНДАН КЕТСИН,
ТУБСИЗ ЖАРЛИККА ЕТСИН!
ДЎСТЛАР БЎЛИБ ҲАМЖИҲАТ,
НУРГА ТЎЛСИН БУ ХИЛҚАТ!

(Аёз бобо ҳассасини ерга уради. Чақмоқ чақнаб, момоқалдироқ гумбурлайди. Ҳамма томон ёришиб, ёвуз кучлар учиб кетишади. Ҳамма иштирокчилар тоза байрам либосида бўлиб қолишади. Янги йил арчаси ҳам порлаб кетади.)

ВАҚҚОС: — Раҳмат сизларга болалар, раҳмат бобожон!

ПАҚҚОС: — Ана энди байрамимизни бошласак ҳам бўлади.

АЁЗБОБО: — Байрамимиз аллақачон бошланган. У давом этмоқда!

ЯНГИ ЙИЛ: — Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстларим!

АЁЗБОБО: — Байрамингиз муборак бўлсин, дўмбоқчаларим!

ҚОРҚИЗ: — Янги йил сизларга бахт ва саодат келтирсин!

ВАҚҚОС: — Яхши ниятларингиз амалга ошсин!

ПАҚҚОС: — Ушалмаган орзуларингиз ушалсин!

АЁЗБОБО: — Янги йил эртаги бўлсада тамом.

ҲАММА: — Янги йил байрами этади давом!

(Чиройли янги йил ашуласи айтилиб спектакль якунланади.) Тошкент — 96 й.

Ҳайитали НИЗОМИДДИНОВ,
Ҳабибулло КАРИМОВ.

• Мактабдан ташқари муассасаларда

ТЎГАРАКЛАРДА НИМА ГАП?

Яқинда Республика ўқувчилар техник ижодиёт Марказида радиотехника тўгаракларн раҳбарларининг семинари бўлиб ўтди. У «Тўгаракларда нима гап?» деб номланди. Йиғилишда устозлар радио йўналишлари бўйича конструкциялар тайёрлаш услуби, асбоб-анжомлардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари, тўгарак машғулотлари сифатини кўтариш, ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш борасида маърузалар қилишди.

Л. ТЎХТАЕВА.

• Мустақил юрт болалари ватанпарвардир

УЧРАШУВ ЖОЙИ — САЙЁҲЛАР МАСКАНИ

Азим Тошкентимизнинг Шайх Хованди Тоҳур мақбараси ёнида бир мўътабар даргоҳ бор. У республика ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар Маркази деб аталади. Бу ерда болалар жонажон Ватанимиз тарихи, халқимизнинг бой анъана, урф-одатлари, табиат сир-асрорларини ўзгача қизиқиш билан ўрганадилар. Ўтган ўқув йилида Марказга қарашли муассасалар қошидаги тарих-ўлкашуносլик, ёш археологлар, ёш санъатшунослар, тоғ спорти ва бошқа тўгаракларда 31 ярим мингдан ортиқ бола ўз билимларини оширди, сафар-саёҳатларда салкам 133 минг ўқувчи иштирок этди. Ҳозир Марказ фаолларининг ташаббуси билан ташкил этилган мактаб музейлари сони 570 дан ошди. Улардаги экспонатлар сони ортиб бормоқда. Ўқувчилар Марказ томонидан уюштирилган «Ўзбекистон — жонажон ўлкам», «Амир Темур — буюк бобокалонимиз» экспедициявий ҳаракатларда фаол иштирок этдилар. Темурийлар тарихи Давлат музейини зиёрат қилдилар. Қисқаси, бу ерда ўтказилаётган тадбирларнинг ҳаммаси болаларни Ватанга садоқат ва муҳаббатини оширишга ҳисса қўшмоқда. Сизлар ҳам бир келинг. Учрашув жойи — сайёҳлар маскани.

Абдужалил ХЎЖАМОВ.

Паққос ва Ваққоснинг Янги йил саргузаштлари

Мактаб саҳнаси учун

•Катталар, эътибор беринг!

ҲАММАСИГА АЪЗО БЎЛАРДИМ

— Мактабимизда тўгараклар йўқ. Тўгаракка қатнашишни хоҳласак, 15-16 километр йўл босиб Қамаши туманига боришга тўғри келади. Аммо асосий вақтим кўчада ўтишини истамайман. Ундан кўра уйда дарс тайёрлайман, китоб ўқийман ва албатта қўшиқ айтаман. Қанийди, мактабимиз қошида ҳам тўгараклар ишлаганида эди, ҳаммасига аъзо бўлардим, — дейди Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги Нагахон қишлоғида жойлашган А. Навоий номли мактабнинг 5-«А» синф ўқувчиси Сарвиноз Эшонқулова.

Таҳририятдан:

Ҳа, Сарвиноз мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, бўш вақтларида қўшиқ айтади. У худди Юлдуз Усмоновадек эл суйган қўшиқчи бўлмоқчи. Укалари Ҳусниддин ва Тўлқин, сингиллари Дилбар ва Гавҳарларни сира бўш қўймайди. Гоҳо опаси қўйган «концерт»га томошабин, гоҳо айнан шу томошанинг ижрочиси ҳам бўлишади.

Кўнгилга келган — қўлдан келса, битмайдиган иш қолмас, дейишади. Биз ҳам Нагахон қишлоғининг мутасаддиларига мурожаат қиламиз. Сизнинг қишлоғингизда ҳам иқтидорли болалар талайгина. Уларга озгина эътибор, озгина шароит бўлса бас. Сарвинознинг куюниб айтган гапларига тўғри ёндошиб, амалий натижалар қилишингизга ишонамиз.

• Синфдошлар орасида

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Юқори Чирчиқ туманидаги 7— ва 34—мактаблар яқинда байрамона безатилди. Чунки ушбу масканларда туман мактаблари ўқувчилари ўртасида турли фанлар бўйича олимпиадалар ўтказилди. Беллашувда 12—мактаб билимдонлари муваффақиятли қатнашишди. Улар ўзларини аниқ фанларни эгаллашда юқори билимга эга эканликларини намойиш этишди. Эрғали Абдукаримов (ЭҲМ). Асил Аширов (химия) биринчи. Марям Қўчқорбоева (қозоқ тили ва адабиёти). Нигора Ҳасанова (чет тили) иккинчи. Азизбек Абдуваҳобов (химия). Акрам Жамолов (чет тили) учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолибларга мукофотлар топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани, «Кавардон» қишлоғи.

(Давоми. Боши 1-,2-бетларда)

нинг чегарасидан чиқиб, баъзан ҳақиқийга айланиб кетмоқда, бир-бирларини бераҳмларча уриш, тепкилаш, калтаклаш қаби маълум ҳолатларгача етиб келишмоқда. Бунинг устига тўй-томоша, айниқса одам гавжум бўлган майдон, хиёбонларда кечани кеча, кундузини кундуз демай, уруш даҳшатларини эслатувчи портловчи моддаларнинг ҳар қадамда пақиллаши ҳали ўтган машъум уруш туфайли юрагидаги жароҳат битмаган жафокаш кексаларимиз, мушфиқ опа-сингилларимиз юрагини титратиб, ларзага солмоқда. Бундан ташқари тасодифий ёнғинлар сони кўпаймоқда, болалар, ёшлар ўртасида тан жароҳатлари олиш, юз-кўзларнинг шикастланиши, баъзан кўриш аъзоларининг бир умрга ишдан чиқиши ҳолатлари учрамоқда. Бу ниҳоятда ачинарли ва ташвишли ҳолатдир. Бу ўтакетган бебошлик, тарбиясизлик, жоҳиллик ва маънавий қашшоқлик белгисидир. бундай бедодлик ўрнига жойлардаги ҳокимликлар, ҳуқуқ ва тартибот муассасалари ёрдамида маҳалла-кўй, шаҳар, туман, қишлоқларнинг марказларида ёшлар машғул бўладиган турли тарбиявий, маърифий ишларини йўлга қўйиш, спорт майдонлари, тўгараклари ташкил этиб, жисмоний тарбия ва спортнинг миллий, ҳарбийлаштирилган, кўпчилик учун хавфсиз ва безарар турларини ташкил қилиш, буни қаттиқ назорат остига олиш лозим. Бунга албатта жамоатчиликнинг куч-ғайрати билан эришиш мумкин холос.

— Мактаб ўқувчилари орасида аскар, ҳарбий ходим бўлишни орзулайдиганлари йўқ эмас. Лекин айрим ота-оналар турғунлик йиллари даврида армиядаги бесаранжомликлар оқибатида бўлса керак, ўз фарзандларини аскарликдан олиб қолишга ҳаракат қилишади. Сизнинг бўлажак аскарларга, уларнинг ота-оналарига тилакларингиз?

— Дарҳақиқат, мактаб ўқувчилари орасида аскар бўлиш, ёки ҳаётини ҳарбий хизмат билан боғлаш истаги билан юрган ёшлар анчагина. Бу албатта аввал оилада, мактабда, олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ижобий натижаси. Бироқ, «Беш қўл баравар эмас», ёки «Гуруч курмаксиз бўлмас» дейишганидек, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Турғунлик йилларидаги собиқ СССР армиясида ҳукм сурган бошбошдоқлик, тартибсизлик оқибатида юз берган кўпгина кўнгилсиз воқеалардан юрак олдирган айрим ота-оналар қандай қилиб бўлса-да, ўз эркатойларини ҳарбий хизматдан олиб қолиш, чораларини қидиришаётганлиги ниҳоятда ташвишли ва ўринсиздир. Бунинг устига айрим иймон-эътиқоди суст, тўрт мучаси соғ йигитларимиз ҳарбий хизматга бормаслик учун турли куракка турмайдиган баҳоналарни рўкач қилишаётганлиги ҳам ачинарлидир. Ахир бу ўтакетган андишасизлик, ношукурликдан бошқа нарса эмас!

Мен чорак асрдан ортиқ Қуролли кучлар сафида хизмат қилдим. Бу даврда Ватан деган тушунча ниҳоятда кенг ва маҳвум эди. Чунки Ватан деганимизда узоқ Курилл ороллардан то Кушкагача, Шимолий муз океанидан тортиб Термизгача бўлган поёнсиз ҳудуд, мамлакатни англардик. Ерда, сув остида, осмонда хизмат қилардик. Мен Ватан деб, туғилган она юртимни ташлаб, рафиқам, учта болам, тўртта жомадон билан юртма-юрт кезиб, мусофирчиликнинг нене азоб-уқубатларини мардонавор тортганман. Энди бўлса, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг неча асрлардан бери қилган орзуси ушалди. Истиқлолга эришдик, бизни жаҳон аҳли тан олди, шаҳдам одамлар билан нурли манзил, ёрқин келажак томон ҳаракат қилмоқдамиз.

Демоқчиманки, Ватанимизнинг ҳақиқий чегаралари бизга аниқ ва равшан, энди узундан-узоқ, поёнсиз ҳудудларда эмас, балки ўз она диёримизда ўйнаб-ўйнаб хизмат қиладиган буюк бахтга сазовор бўлдик. Бунга осонлик билан эришмадик. Бу улуғ йўлда миллатимизнинг нене асл, мард, фидойи фарзандлари қон тўкдилар, жонларини қурбон қилдилар. Шунинг учун ҳам энди жонажон Ватанимиз Ўзбекистон биз учун ниҳоятда азиз ва муқаддасдир! Унинг манфаатларини ҳимоя қилиш фарзандлик, фуқаролик бурчимиздир. Чунки ВАТАН ОНАДИР, У ЯККАЮ ЯГОНАДИР. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон Қуролли кучлари сафида хизмат қилиш ҳар бир ўзбекистонлик учун шарафли. Халқимиз, кўпчилик ёшлар шундай деб тушунади ва бунга қатъий амал қилади.

Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: У. МУРОД қизи.

● *Ботирлик шаҳар олар*

ОЛАМНИ ЁРИТГАН ҚИЛИЧ

Сайид ФАРАЖ

ЁШ БАҲОДИР

(Боши ўтган сонларда)

14-асрда яшаган мўғуллар Чингизхон давридаги каби ақилликни билмасдилар. Улар бир ҳукмдор қўл остида собит туришга қодир эмасдилар. Шу боис ҳам тез-тез фитналар, суиқасдлар, уруш-жанжаллар юз бериб турарди. Буни фақат кучли, қўрқмас саркардагина бартараф этиши мумкин эди.

Мўғул хони Туғлуқ Темур Мовароуннаҳр шаҳарларининг ҳақиқий ҳукмдори эди. У Чиғатой улуси ҳукмдори амир Қозоғон билан шартнома тузганди. Қозоғон кучли, қудратли бўлса-да, бепарволигидан душманига фурсатни бой бериб қўйди. Натижада ўз бошидан айрилди. Бир куни овга қуриқчисиз чиққанда юзбошилардан бири унга ҳамла қилиб, камондан ўқ отиб ўлдирди.

Табиийки, Қозоғоннинг ўрнига ўғли Абдулла ҳукмронлик қилишга ўтди. Лекин у фитна-фасодларга, хийлага, найрангларга тоқат қила олмади. Шу боис у хатарни сезиб, омонликни ўзига раво кўрди ва шаҳардан чиқиб кетди. Бу орада Самарқандда Ҳожи Барлос ва Боязид Жалойир пайдо бўлди. Улар таниқли амирлар эдилар ва биргаликда бутун ишларнинг боришини қўлга олдилар. Зеро ўша пайтда ҳокимият куч-қудрати бўлган кишининг қўлида эди. Қилич соҳиблари эса ана шу куч-қудрат тимсоли сифатида подшоҳликни ушлаб турарди. Яъни, замон зўрники эди.

Бошқа амирлар Ҳожи Барлос ва Боязид Жалойирнинг ҳукмдор бўлишларига рози эмасдилар. Шу сабабли, уларнинг ҳар бирлари ўз вилоятига хос кишиларини йиғиш ва ҳар қандай душманга қарши туриш учун от сурдилар. Мўғуллар ҳам бу гуруҳлар орасидан ажралиб

чиқиб, турли гуруҳларга бўлиниб кетди. Амир Темур эса Шаҳрисабзда ўзига вафодор юзга яқин кишиси билан қолди. Бундай изтиробли воқеалар, хавфу хатарлардан огоҳ бўлган Туғлуқ Темурхон юрт ишларини тинчитиш, одамларни жой-жойига қўйиш учун Самарқандга келди. Амирлар эса хонга итоат қилайликми ёки йўқми деб, турли фикрга бордилар.

Аммо Темурбек қатъий фикрини айтди: тезда катта хон ҳузурига бораман... Уруш ва курашларда тактика ишлатиш кўп фойда беради. Амир Темурнинг урушга тайёрланмасдан, уни бошлаб юбориши ҳикматдан бўлмасди, чунки у юз аскари билан лак-лак тажрибали қўшинга эга бўлган мўғул подшоҳига юзлашиши ақлга сиғмасди.

Шу вақтда Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай қазо қилди Темурбек отасини тупроққа қўйгандан кейин хотини ва ўғлининг эсон-омон юришини ўйлаб, уларни уйида қолдирди. Отаси билан руҳан фикрлашиб, шайх Зайниддин Тойободийнинг йўл-йўриқларига таяниб, катта хон ҳузурига бориш ниятида қимматбаҳо совғалар тайёрлади.

АМИРЛИК ЁРЛИҒИ

Темур ўзининг кишиларига расмий кийимлар кийгизиб, қимматбаҳо совға-саломлар юкланган от ва туялар карвонини ҳайдаб, йўлга тушди. Кўп аскарлар уларни йўлда икки марта тўхтатиб қўйди, лекин Темур уларга ҳадялар бериб, барчасини тинчитди. Хоннинг чодирига етгач, амиру саркардалар у келтирган совға-саломларини кўриб, Темурни хушмуомала билан хон ҳузурига киритдилар. Хон ҳам унга яхши муомалада бўлди. Темур хонга ўзини барлос гуруҳининг бекларидананман, деб таништирди, бошқа ҳокимларни зикр қилмади. Хон унга туманбоши, яъни амир унвонини бериб, Мовароуннаҳр ҳокими этиб тайинлади.

Темур хон ҳузуридан қайтгач, унга амир Мусо ва Боязид Жалойир қаршилик қилдилар. Лекин хоннинг ёрдами билан Боязид Жалойир ўлдирилиб, амир Мусо қочди ва у ҳам кейинчалик йўлтўсарлар қўлида ҳалок бўлди. Хон ўз ўғли Илёсни бу диёрга (Мовароуннаҳрга) ҳоким қилди. Унга амир Бекучоқни вазир қилди. Темур эса Самарқанд амирлигида қолди.

ТЕМУРБЕК ҚУВҒИНДА

Хон Темурни Самарқандга вақтинчалик амир қилиб тайинлаган эди. Бу пайтда амир Бекчук билан Илёс Ҳожа Мовароуннаҳрда фитна-фасод тарқатиш, одамларнинг мол-мулкини талаш, номусига тегиш каби ишлар билан машғул эди. Бундан албатта мусулмон уламолари, хусусан шайх Зайниддин (Тойободий) норози бўлиб, босқинчилар устидан Темурбекка бир неча мартта шикоят қилдилар. Темурбек ўзининг миллатига бўлган бу тажовузларни тўхтатиш мақсадида хонга хат ёзди. Бундан душманлари фойдаланиб, хонга, Темур сизга бўйсунмасдан қарши чиқмоқчи деб етказдилар. Бундан ғазабланган хон Темурни йўқ қилишга буюриб мактуб йўллабди. Темур бундан хабар топиб, оиласи ва 20 нафар вафодор кишилари билан саҳрога қочди. Машаққат ва қочоқлик кунлари бошланди.

Булар кечаю кундуз саҳро ҳаётининг манбаи бўлган бир қудуқдан иккинчи қудуққа кўчиб, машаққат ва орзу ичида яшарди. Темур қийналган ва хафа бўлган вақтларида, малика Улжойнинг меҳрибончилиги ва буюк келажак ҳақидаги башоратлари руҳини кўтариб, ҳаётини ёритарди. Малика Улжой энг қийин вақтларда эрига ёрдамчи бўлар ва доимо келажакда раҳматли қайнотаси тушида кўрганидек, Темурнинг юлдузи дунёни ёритишга ишонарди.

Ўша пайтда Балхга амир бўлиб, сўнг хоннинг ғазабига учраган қайниси Амир Ҳусайнга йўлиқди. Улар бирлашиб, олтмиш кишилик аскарлари билан гоҳ у қопқондан, гоҳ бу қопқондан ўтиб, аксарият аскарини йўқотдилар. Шунда улар келажак учун ҳар ким ўзича курашиши кераклигига келишиб, икки томонга кетдилар. Темур ўзи, хотини, ёлғиз бир аскари ва икки хачир билан қолди. Шунда малика Улжой Темурга табассум билан «Эй, азизим, бу ҳали ҳаммаси тамом бўлди дегани эмас» — деди. Кейинчалик Темурга бир гуруҳ ёлланма отлиқлар ва ўзининг баъзи эски аскарлари келиб қўшилди.

(Давоми бор)

ВАТАНИМ

Азиз, дилбар Ватаним,
Сенинг шонинг мендадир.
Ўзингсан жону таним,
Куч, имконинг мендадир.

Парчалаб сен кишанни,
Бўлдинг озод, мустақил.
Энди бизга ишонгин,
Қадам ташлайвер дадил.

МУЧАЛ ЁШИ

Куз қуёши чарақлаб,
Булут қайгадир қочди.
Менинг кўнглим ёрлақаб,
Дарахтлар тилла сочди.

Чунки бугун Маъмура
Опамнинг мучал тўйи.
Сочларига гул ўраб,
Бошига сарупо қўйдим.

ҲАЙРАТ КЎЗЛАРИНИНГ ОЧИЛИШИ

УСТОЗ ҚАДРИ

Тўқувчилик тўгарагига қатнашаман. Гўё устоз бўлмасалар ҳам тўқишнинг ҳамма сирларини билиб олган эдим. Лекин улар бетоб бўлиб қолдилар. Мен қалпоқчага гулни қандай тўқишни билмадим, сўрай десам, устоз йўқ.

Мана, совуқ кунлар келди. Ҳамма иссиқ кийим кия бошлади. Менга ишониб укамга қалпоқча олиб беришмаган эди. Энди Бахтиёржон совқотади деб ҳижолат бўлдим.

Хайрият, устозим касалхонадан тезда чиқдилар. Билмаганларимни бир дақиқада кўрсатиб бердилар. Бир дақиқалик иш деб қалпоқчанинг битиши узоққа чўзилди. Устоз қадри шунда билинди.

Англадимки, устозлар умрининг бир дақиқаси баъзан шогирдлар ҳаётини йилларига тенг келар экан.

ТЕЗ АЙТИШЛАР

Баҳодир Бахтиёрга бўғирсоқ бердими,
Бахтиёр Баҳодирга бўғирсоқ бердими?

***

Олим Отабекдан олма олдими,
Отабек Олимдан олма олдими?

***

Мастура Ситоранинг сеторини созлатиб бердими,
Ситора Мастуранинг сеторини созлатиб бердими?

Маъмура АЗИМОВА.

Бундан роса бир йил бурун, худди шундай қиш кунларининг бирида опа-сингил Маъмура билан Маликанинг ҳайратдан кўзлари чарақлаб кетди.

Ўша куни биз «Ҳулкар» тўгараги аъзолари билан Тошкентдаги Абдулла Набиев номли болалар ва ўсмирлар маркази боғида машғулот ўтаётгандик. Ёш ижодкорлар қалин қор кўрпа ёпинганча яшнаб ётган майсаларни таърифлаш, тасвирлаш ва жонлантиришга оид бадиий топшириқни бажаришаётганди.

Шу пайт чеварчилик тўгараги машғулотидан чиққан Маъмура билан Малика қизиқиб ёнимизга келишди ва қўлларидаги қор тўпларини қайга яширишни билмай туриб қолишди... Улар шу лаҳза бирдан совуқ қорнинг ҳам ҳарорати борлигини туйиб қолган эдилар. Қизларнинг кичиги Малика экан. Ундан сўрадим:

— Малика, анаву беҳи шоҳида осилиб турган нима?

— Муз!

Тўгарак аъзолари Маликанинг таърифларини тўлдиришди:

— Сумалак!

— Сумалак нима қиляпти?

— Дарахтдан оқиб тушаяпти!

— Дурустроқ қара-чи! Оқиб тушаяптими ё осилиб турибдими?

— Осилиб турибди!

— Нега осилиб турибди? Бу — қанақа дарахт ўзи?

— Беҳи!

— Беҳи дарахтига кимлар, нима учун осиладилар?

— Болалар, беҳи узгани осилишади!

— Унда сумалакнинг ҳам беҳи тергиси келибди-да!

— Вой! Ростдан ҳам!

Маликанинг гапига опаси Маъмура қўшимча қилди:

— Анави катта-катта сумалаклар бўлса томга чиқамиз, деб бўготга тирмашаяпти!!!

... Шу тариқа бир лаҳзада бу қизлар учун атрофдаги нарсаларнинг ҳаммаси жонланиб кетди. Энди улар учун халқа-халқа пўстли гилос дарахти — «ернинг қўш билакузукли қўли», хазонакда ток барглари орасида қолган узум доналари — токнинг ўз боғбонига атаб яшириб қўйган миннатдорлик гавҳари, сермева ёнғоқ дарахти эса — дунёдаги энг зўр донишманд — «унинг боши мингта!..»

Малика Собир Раҳимов туманидаги 111-мактабнинг 4-, Маъмура 7-синфида ўқимоқда. Улар ҳозирдан дунёни шундай теран кўрсалар, теварак-муҳитни шундай қаттиқ севсалар, қуриётган дарахт қошида махзун ўйга толсалар, демак, улар қалбида Ватан теран илдиз отмоқда!

Ёш шоираларнинг ҳали гўр, лекин самимий туйғулардан эврилган сатрлари юрагимга уланди. Уларнинг бир қатимини Сизлар томон узатдим, азиз болалар! Сиз ҳам ўқиб кўринг, ҳис қилинг, тенгдошларингизнинг ҳайрат кўзлари илғаган гўзалликлардан завқланинг!

Шояд, шу баҳона Сизнинг ҳам Ҳайрат кўзларингиз чарақлаб кетса!

Мукаррама МУРОД қизи.

Менинг меҳрибон опам,
Бахтимга омон бўлинг!
Ҳеч ким қилмасин хафа,
Ҳар куни ойдек тўлинг!

КЎЗНИНГ СЎНГГИ МЕВАСИ

Токнинг сўнгги меваси
Маржон каби кўринар.
Гўё кузнинг теваси
Ишкомларга беркинар.

Барг остига яшириб,
Боғбон учун сақлаган.
Севинчларин тошириб,
Меҳнатини оқлаган.

КУЙГАН ДАРАХТ

Ҳаммаёғи кесилган куйган дарахт. У шундайлигича қарамай, яшаш учун курашмоқда. Барглари қуриган бўлса ҳам яшаб келмоқда. Кимдир уни ёндирган, кимдир уни кесиб ташлаган. Лекин кимлигини билмаймиз. Балки у йиғлаётгандир. Худди қўллари билан ерни ушлаб олганга ўхшайди. Бу дарахт даҳшатли. Танаси ёниб кул бўлган. Фақат битта шохи безорилар билан курашмоқчидек ажралиб турибди. Дарахт куйгани учун янги новдалари яхши озиқланмаган. Бу дарахт чопилган жойларини унутмайди. Ўзбекистонни яшнатиб турган дарахтни кесиб ташласа хунук бўлиб қолади. Ҳатто қари дарахтларга ҳам озор бермайлик. Улар илдизидан янги дарахтлар унсин!

Малика АЗИМОВА.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -018.
9381 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топширши вақти 19,00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй